



Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ЭРКИН ВА ФАРОВОН, ДЕМОКРАТИК ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТИНИ МАРД ВА ОЛИЖАНОБ ХАЛҚИМИЗ БИЛАН БИРГА ҚУРАМИЗ

Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи

Ассалому алайкум, қадрли ватан-дошлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Мухтарам Сенат Раиси ва сенаторлар!

Хурматли Спикер ва депутатлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Авалло, сиз, азизларга, сизларнинг тимсолинганда бутун халқимизга мурожаат қилиб, менга юксак ишонч билдириб, Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайлаган барча ватандошларимга чин қалбимдан яна бир бор миннатдорлик изхор этишга ижозат берайиз.

Бугун, мана шу юксак минбардан туриб, юртимизда яшаётган барча миллат ва эллат вакиллари, мухтарам ота-хон ва онахонларимизга, мунис аёлларимиз, навқирон ёшларимизга самимий ташаккур билдираман. Юксак инсоний фазилатлар соҳиби бўлган, меҳнатқаш ва бағрикенг халқимиз олдида бош эгиб таъзим қилишни ўзим учун ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан.

Сиз, азизларнинг, эл-юртимизнинг менга билдирган мана шундай юксак ишончини ўзим учун катта шараф ва улкан масъулият деб ҳисоблайман.

Ҳеч нарса билан қийсалб, ўлчаб бўлмайдиган бундай олий ишонччи оқлаш учун бор куч-гайратим, билим ва тажрибамни, бутун борлигимни бағишлашга ваъда бераман.

Менинг номзодимни Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига кўрсатган ва бутун сайлов кампанияси давомида қўллаб-қувватлаган Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг барча аъзоларига алоҳида миннатдорлик билдираман.

Шу билан бирга, муқобиллик асосида ўтган ушбу сайловларда иштирок этган Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий кенгаши раиси Хатамжон Кетмоновга, «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши раиси Сарвар Отамуродов ва «Адолат» социал-демократик партияси Сийёсий кенгаши раиси Наримон Умаровга яна бир бор ўз ташаккуримни изхор этаман.

Фурсатдан фойдаланиб, менга ўз табрик ва кутловларини йўлаган барча хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар етакчиларига, сиёсат ва жамоат арбобларига, шунингдек, сайлов жараёнида ва ҳар доим бизга хайрихоҳ бўлиб келган, бугунги йиғилишимизда иштирок этаётган хорижий давлатларнинг юртимиздаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарларига ўзининг чуқур миннатдорлигини, чуқур ҳурмат-эҳтиромини билдираман.

Қадрли юртдошлар!
Барчамизга маълумки, ҳар бир суверен давлат ўзининг бетакрор тарихи ва маданиятига эгадир. Бу тарих, бу маданиятнинг ҳақиқий ижодкори, яратув-

чиси эса, ҳақиқи равишда шу мамлакат халқи ҳисобланади.

Ўзбекистонимизнинг кўп асрлик тарихи ва кейинги 25 йиллик ривожланиш даври, ўз давлат мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлашга қаратилган тараққиёти бу ҳақиқатни яна бир бор яққол тасдиқлаб берди. Ана шу бунёдкорлик жараёнининг қудратли ва ҳал қилувчи кучи, ҳеч шубҳасиз, кўпмиллатли халқимиздир.

Ўзбек халқининг неча минг йиллик тарихида қандай мураккаб даврлар, огир синовлар бўлганини барчамиз яхши биламиз.
Ўзбекистоннинг энг янги тарихи ва биз эришган оламшумул ютуқлар мард ва матонатли халқимиз ҳар қандай қийинчилик, тўсиқ ва синовларни ўз кучи ва иродаси билан енгиб ўтишга қодир, деб баралла айтишга тўла асос беради.

Биз аждодларимизнинг ёрқин хотирасини асраб-авайлаб, қалбимизда, юрагимизда абадий сақлаймиз. Букилмас ирода, фидойилик ва жасорат намунасини амалда намоён этиб, ўз ҳаётини азиз Ватанимизнинг ҳар томонлама раванқ топишига бағишлаган устоз ва мураббийларимиз, замондошларимиз билан биз чексиз фахрланамиз.

Мен бугун Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ва ҳаракатлар, жамоат ташкилотлари, бутун халқимизнинг саъй-ҳаракатларини Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, барчамиз учун азиз ва қадрли бўлган Ислам Абдуганиевич Каримов бизга ва сиёсий қўлдошларимизга ягона мақсад йўлида бирлаштиришга давъат этаман.

Бу олижаноб мақсад — изчил ва барқарор ривожланиётган, эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини барпо этишдан иборатдир.
Бугунги кунда Ўзбекистон жаҳон ҳам-жамиятида ўзининг муносиб ўрни ва мавқеига эга. Биз дунёдаги барча давлатлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиш ва амалий мулоқот учун очикмиз. Бўлиб ўтган демократик сайлов жараёни бунинг яна бир ишончли ва яққол тасдиғи бўлди.

Сайловни кузатиш учун дунёдаги 5 та нуфузли халқаро ташкилот ҳамда 46 та давлатдан 600 нафарга яқин кузатувчи қатнашгани сизларга яхши маълум. Айниқса, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг тўлақонли миссияси биринчи марта юртимизга таширғи бўлди. Яъни, ушбу халқаро тузилманинг 32 та мамлакатдан келган 200 нафарга яқин вакили — бу албатта кичкина гап эмас — айнан демократик тамойиллар талаблари асосида сайлов жараёнини синчиқлаб кузатиб борди.

Сайловда халқимиз ўзининг хоҳиш-

иродасини, юксак сиёсий онги ва фаол фуқаролик позициясини ёрқин намоён этди. Бу, ўз навбатида, эл-юртимизнинг ўз тақдири ва келажигига қандай катта ишонч ва масъулият билан қараётганини яққол ифода этади.

Сайлов натижаларини биз аввало ватандошларимизнинг Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислохотларга, яқин ва олис истиқбол учун белгилаб олинган стратегик тараққиёт дастуримизга берган ҳолис ва ҳаққоний баҳоси, деб қабул қиламиз.

Сайлов сиёсий партиялар ўртасида соғлом рақобат ва кураш, миллий қўнчилигимиз талабларига, сайлов бўйича умумэтироф этилган халқаро стандартларга тўла мос ҳолда, эркинлик ва очиклик руҳида ўтганини барча чет эллик кузатувчилар очик ва баралла таъкидладилар.

Кунги кеча Марказий сайлов комиссияси ҳам ўзининг сайлов натижалари бўйича яқиний ҳулосаларида шу ҳақиқатни яна бир бор қайд этди. Ҳеч шубҳасиз, бундай юксак эътироф, бундай юксак баҳо барчамизни қувонтиради.

Мухтарам дўстлар!
Бугун мен Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажаришга киришар эканман, буюк давлат ва сиёсат арбоби, азиз устозимиз Ислам Каримовнинг ишларини давом эттирган ҳолда, 32 миллионлик катта халқ, катта мамлакатни бошқариш қанчалик масъулиятли ва мураккаб эканини, давлат раҳбари сифатида зиммамдаги жуда улкан жавобгарлиқни ҳар томонлама чуқур ҳис қилиб, англаб турибман.

Биринчи Президентимиз ўзининг серқирра сиёсий фаолияти, олижаноб инсоний фазилатлари билан Ватанимизнинг кўп асрлик тарихида ўчмас ва ёрқин из қолдирди.

Буюк Юртбошимиз нафақат Ўзбекистонда, балки бутун жаҳон миқёсида катта ҳурмат ва обрў-эътиборга сазовор бўлган улкан шахс ва арбоб сифатида танилган эди. Шунинг учун ҳам устозимизнинг хотирасини абадийлаштириш бўйича минглаб юртдошларимиздан қўллаб-қўллаб ва тавсиялар келиб тўшмоқда. Уларнинг барчаси айни пайтда атрофлича ўрганилмоқда ва бу борада алоҳида қарор қабул қилинади.

Хурматли мажлис иштирокчилари!
Бугун дунёдаги шиддатли глобаллашу шароитида, халқаро майдонда турли манфаатлар тўқнашуви кучайиб бораётган, жаҳон иқтисодий-молиявий инқирози давом этаётган кескин бир вазиятда Ўзбекистонга раҳбарлик қилишдек улкан масъулиятни зиммамга олаётган эканман, мен аввало кўпни кўрган, донишманд халқимизга, сиз,

азизларнинг ёрдам ва кўмагинизга таянман ва ишонман.

Барчангиз хабардорсиз, сайлов арафасида мен сайловчилар ҳамда аҳолининг турли қатламлари вакиллари билан кўллаб ўрашув ва суҳбатлар ўтказдим.

Ана шундай очик мулоқотларда билдирилган амалий таклифлар, қўнғуний талаблар, уларни амалга ошириш учун кўрилган аниқ чора-тадбирлар, очигини айтман, мен учун яна бир катта ҳаётий мактаб бўлди.

Ана шу ўрашув ва суҳбатларнинг яқиний ҳулосалари мамлакат Президенти лавозимидаги ўта муҳим ва масъулиятли фаолиятимда мен учун дастурий қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Бугун замоннинг ўзи барчамизнинг олдимизга, биринчи навбатда, Ўзбекистон Президенти сифатида менинг олдимга янги ва гоят масъулиятли вазифаларни қўймоқда. Ана шу асосий вазифалар ҳақида бугун ушбу йиғилишимизда қисқача ахборот беришни ўринли, деб ҳисоблайман.

Биринчидан, биз мухтарам Биринчи Президентимиз Ислам Абдуганиевич Каримов бошлаб берган кенг қуламли сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар йўлини оғимасдан, қатий ва изчил давом эттирамиз.
Бу йўл — эркин, демократик, инсонпарвар давлат қуриш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, Ватанимиз иқтисодий қудратини юксалтириш ва янада раванқ топтиришнинг мустаҳкам заминидир.

Мен мамлакат Президенти сифатида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси талабларини қатий ва сўзсиз бажариш, қўнғун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлайдиган ички ва ташқи сиёсатни амалга оширишни ўзининг энг асосий бурчим ва вазифам, деб ҳисоблайман.

Ана шу фундаментал тамойилларни рўйбга чиқаришга доир амалий саъй-ҳаракатлар тўғрисида мен Конституцияимизнинг 24 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузамда ўз фикрларимни баён қилганимдан албатта барчангиз хабардорсиз, деб ўйлайман.

Шу муносабат билан Қўнғунчилик палатаси Спикери ва депутатлар, Сенат Раиси ва сенаторлардан Президентнинг Давлат маслаҳатчилари зимматлари ҳамда Ҳукумат билан биргаликда мамлакатимизда келажакда амалга оширилаётган ислохот ва ўзгаришларнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқишни сўрайман.

» (2-3).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЛАВОЗИМИГА КИРИШИШ ТАНТАНАЛИ МАРОСИМИГА БАҒИШЛАНГАН ОЛИЙ МАЖЛИС ПАЛАТАЛАРИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИ Тўғрисида АХБОРОТ

Тошкентда 2016 йил 14 декабр кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис Қўнғунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Марказий сайлов комиссияси аъзолари, мамлакатимиздаги хорижий давлатлар элчионалари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари раҳбарлари, мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Қўшма мажлисни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов очди. У юртдошларимиз ўзининг юксак сиёсий маданияти, Ватанимиз тақдирига дахлдорлик туйғусини намоён этиб, 2016 йил 4 декабр кунини бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига фаол қатнашганини таъкидлади. Сайлов жараёнини 5 та халқаро ташкилот ва 46 давлатдан 600 га яқин кузатувчи кузатиб борди. Бу Ўзбекистон Президенти сайлови демократик талабларга тўла мос тарзда, миллий сайлов қўнғунчилиги ва халқаро стандартлар доирасида, очик ва ошқара ўтганининг ёрқин далилидир.

Юксак савияда ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси номзоди Шавкат Мирмононович Мирзиёев сайловчилар умумий сонининг 88,61 фоиз овозини олиб ғолиб бўлди.

Марказий сайлов комиссияси раиси залда ҳозир бўлганлар ва сайловчилар номидан Шавкат Мирзиёевни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани билан самимий табриклади ва Ўзбекистон Республикаси Президенти гувоҳномасини, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг шаҳодатномасини топширди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 92-моддасига мувофиқ Президент Шавкат Мирзиёев қасамд қилди: «Ўзбекистон халқига садоқат билан хизмат қилишга, республиканинг Конституцияси ва қўнғунларига қатъий риоя этишга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига қафолат беришга, Ўзбекистон Республикаси Президенти зимматига юклатилган вазифаларни виждонан бажаришга тантанали қасамд қиламан».

Ўзбекистон Республикаси Давлат мажлиси янгради.
Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросими якунланди.

Танафусдан сўнг Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига номзодни тасдиқлаш масаласи кўриб чиқилди.

Мажлисни Олий Мажлис Қўнғунчилик палатасининг Спикери Н.Исмоилов бошқарди.

Мамлакатимиз Конституциясининг 98-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қўнғунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия томонидан кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентига тавсия этилади. Шунга мувофиқ Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сиёсий кенгашининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида Бош вазири лавозимига номзод кўрсатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига мамлакатимиз Бош вазирининг ўринбосари лавозимига ишлаб келаятган Абдулла Нигматович Арипов номзодини тавсия этди.

— Биз бу масала бўйича жуда кўп ўйлаб, тегишли маслаҳатлар қилдик. Ўзбекистон Либерал-демократик партияси раҳбарияти ва фаоллари билан ҳам атрофлича маслаҳатлашдик, — деди Шавкат Мирзиёев. — Утказилган муҳокамаларда билдирилган барча фикр-мулоҳазаларни эътиборга олган ҳолда, мен ушбу лавозимга ҳам амалий соҳада, ҳам марказий идораларда кўп йиллик бошқарув тажрибасига эга бўлган, 11 йил давомида Бош вазирилик ўринбосари бўлиб ишлаган Абдулла Нигматович Арипов номзодини тавсия этаман.

Давлатимиз раҳбари йиғилганлари А.Ариповнинг таржимаи холи билан таништирди. Номзоднинг касб малакаси, билим ва тажрибаси, инсоний фазилатлари ҳақида гапирди.

Барчамиз яхши биламиз, ҳозирги пайтда бутун дунёда ахборот-коммуникация технологиялари даври, деди Шавкат Мирзиёев. Бу соҳа соат сайин шиддат билан ривожланоқда. Ҳозирги кунимиз ва келажакимизни, бу соҳа ривожисиз тасаввур қилиш мумкин эмас.

Бугунги кунда мамлакатимизда «Электрон ҳукумат» тизимига ўтиш борасида жуда катта ишлар бошланган ва уларни босқич-ма-босқич мантқиқий давом эттириш муҳим вазифа сифатида кун тартибидеа доимий тарзда туради.

Ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси қанчалик ривож топгани сари, унинг фазлигаи ва қулайликларидан фойдаланиш билан бир қаторда, бутун мамлакатимизда ахборот хавфсизлигини таъминлаш энг долзарб масалага айланиб бормоқда.

Шу билан бир қаторда, кейинги икки ой давомида Бош вазирилик электрон порталига тушган 270 мингдан ортқ мурожаат, шунингдек, янги ташкил этилаётган «Халқ қабулхоналари» бўладиган мурожаатларнинг ечим бўйича ҳам аниқ ва тезкор иш тизимини яратиш талаб этилади. Бу ишларга ҳукумат раҳбарининг шахсан ўзи бош-қош бўлиши зарур, деди Президентимиз.

» (2).

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда



Юксак марраларга эришган ёшлар

Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони совриндорларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати етакчилари ва фаоллари, «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони совриндорлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбир иштирокчилари Мустақиллик майдонида бўлиб, хуриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

Биринчи Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти, «Ниҳол» мукофоти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси ва бошқа стипендиялар истеъдодли йигит-қизларни рағбатлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Бугун Ўзбекистон ёшлари «Эртанги кун бизники, марра бизники! Ватанимизнинг эртанги тараққиёти бизнинг қўлимизда!» деган эзгу гоя ва эътиқод билан яшамоқда.

» (2).

ЭРКИН ВА ФАРОВОН, ДЕМОКРАТИК ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТИНИ МАРД ВА ОЛИЖАНОб ХАЛҚИМИЗ БИЛАН БИРГА ҚУРАМИЗ

Ќ(1). Иқкинчидан, мамлакатимизда ҳукм сураётган миллатлар ва фуқаролар тотувлиги, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳитини кўз қорачигидек сақлаш ҳамда мустақамлашни ўзининг устувор вазифи, деб ҳисоблайман. Маълумки, юртимизда виждон ва эътиқод эркинлиги, турли миллат вакилларининг ҳуқуқлари кенг кафолатланиб, диний бағри-кенглик муҳити мустақамланмоқда.

Ҳозирги вақтда диёримизда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари ўзаро ҳамжихат яшамокда, 16 та конфессияга мансуб диний ташкилотлар эркин фаолият юритмоқда.

Жамиятимизда ҳукм сураётган ўзаро дўстлик ва ҳамжихатликни янада ривожлантириш, қайси миллат, дин ва эътиқодга мансублигидан қатъи назар, барча фуқаролар учун тенг ҳуқуқларни таъминлаш эътиборимиз марказида бўлади. Уларнинг ўртасига ниёқ соладиган экстремистик ва радикал оғоярларни тарқатишга Ўзбекистонда мултоқло йўл қўйилмайди.

Бугунги кунда дунёнинг айрим минтақаларида тобора кескинлашиб бораётган қонли можаро ва зиддиятлар, терроризм ва экстремизм хавфи биздан доимий оғох ва хушёр бўлишни талаб этмоқда.

Шу борада Ўзбекистон чегараларининг хавфсизлиги ва дахлсизлигини таъминлаш, мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустақамлаш, юртимиз остонасига ҳеч қандай бало-қазони яқин келтирмаслик каби ҳал қилувчи вазифалар ҳаммаиз диққатимиз марказида бўлади.

Бугун принципиал жиҳатдан ғоят муҳим бўлган бир фикрни яна таъкидлаб айтишни зарур деб биламан: Ўзбекистон ва унинг бағрикенг халқи тинчликсевар сиёсат юритиш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат билан қараш тамойилларини амалга ошириш позициясида доимо мустақам туриб келмоқда. Лекин, зарур бўлса, биз мамлакатимиз суверенитети ва мустақиллигига, халқимизнинг тинч ва осуда ҳаётига таҳдид соладиган ҳар қандай уришларга қарши кескин зарба беришга қодиримиз. Шунинг учун мен, халқимизга мурожаат қилиб, шуни айтмоқчиманки, бу масалада ҳеч қандай ҳеч қандай иккилик ва шубҳа бўлмаслиги лозим. Бунга бизнинг кучимиз ҳам, қудратимиз ҳам етарли.

Фурсатдан фойдаланиб, Қуролли Кучлар, Миллий хавфсизлик хизмати, чегара ва ички қўшинларнинг аскар ва сержантлари, офицер ва генераллари, барча ҳарбий хизматчиларимизга ўзининг ҳарбий қасамиди ва муқаддас бурчига садоқати учун самимий миннатдорлик билдираман.

Ишончли компили, сизлар бундан буюм ҳам юксак профессионал маҳорат, мардлик ва жасорат намунасини кўрсатиб, юртимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаш ва мустақамлаш бўйича ўз ватанпарварлик бурчинингизга содиқ бўлиб қоласиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгашидан Мудофаа вазирилик ва бошқа тузилмалар раҳбарияти билан биргаликда Қуролли Кучларимизнинг 25 йиллигига тайёргарлик қўриш ва уни муносиб нишонлашга доир чора-тадбирлар комплексини яқин кунларда тақдим этишни сўрайман.

Бу борада муносиб ҳарбий хизматчиларни нафақат ақинда таъсис этилган кўкрак нишонлари билан, балки юксак давлат мукофотлари билан тақдирлаш бўйича ҳам тақдирлаш киритиш мақсади мубофиқдир.

Учинчидан, халқимиз азалдан юксак қадрлаб келадиган, ҳамма нарсадан устун қўйилган адолат туйғусини ҳаётимизда янада кенг қарор топтиришни биз биринчи даражали вазифамиз, деб ҳисоблаймиз.

Бу борада буюк соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг: «Адолат ҳар бир ишда ҳамоноҳимиз ва дастуригимиз бўлсин!» деган чўқур маъноли сўзлари ҳар биримиз учун ҳаётлий эътиқодга айланиши зарур.

Бу масала, энг аввало, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, бутун суд тизими,

прокуратура, ички ишлар, назорат органлари раҳбарлари ва ходимларининг, шунингдек, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг бевосита вазифи.

Жамиятимизда коррупция, турли жинойтларни содир этиш ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатларига қарши курашиш, уларга йўл қўймаслик, жинойтга жазо албатта муқаррар экани тўғрисидаги қонун талабларини амалда таъминлаш бўйича қатъий чоралар қўришимиз зарур.

Депутатлар ва сенаторлар, кенг жамоатчилик, бутун халқимиз ҳуқуқий демократик давлат қуришининг ана шу муҳим соҳасидаги давлатимизнинг саъй-ҳаракатларини албатта қўллаб-қувватлайдилар, деб ўйлайман ва бунга ишонман.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга оширишда биз, илгаригидек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳаллалар, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлар, эркин ва холис оммавий ахборот воситалари фаол ўрин эгаллайди, деб ишонамиз.

«Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» деган муҳим тамойилни амалга оширишда биз аввало ана шу ижтимоий институтларнинг куч ва имкониятларига таянамиз.

Шу муносабат билан халқ ҳокимиятининг энг муҳим пойдевори сифатида жамоатчилик назорати институтини кучайтириш бўйича мамлакатимиз Конституциясининг 32-моддасида, шунингдек, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида», «Ижтимоий шериклик тўғрисида»-ги қонунлар ва бошқа ҳужжатларда муҳаб қўйилган талабларнинг ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратаман.

Бу муҳим ишда биз барча фуқароларимиз, энг аввало, ёши улғу, улкан ҳаётий тажрибага эга нуруний оқсоқолларимиз, катта авлод вакилларининг маслаҳатлари ва фаол кўмагига умид қиламиз ва таянамиз.

Айнан шу авлоднинг фидокорона меҳнати туфайли ўз пайтида мамлакатимиздаги йирик индустрия комплекслари барпо этилди ва модернизация қилинди. Уларнинг ақл-заковати ва саъй-ҳаракатлари билан саноятнинг янги, юқори технологияларга асосланган тармоқлари ташкил этилди, ноёб инфратузилма объектлари қурилди, фермерлик ҳаракати шакллантирилди, шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси тубдан ўзгарди.

Айнан ана шундай табаррук инсонларнинг Ватанимизга бўлган буюк меҳр-муҳаббати ва жонқурлиги туфайли мустақил Ўзбекистон давлатининг мустақам замини яратилди.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, юртимиз равнақи йўлидаги фидокорона хизматлари учун муҳтарам нурунийларимизга, қадрли меҳнат фахрийларига ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромим ва самимий тилакларимни билдиришга, уларнинг барчасига узок умр, мустақам соғлиқ, бахту саодат ва фаровонлик тилашга рухсат бергайсизлар.

Шу борада бир фикрга алоҳида ургу бериб таъкидламоқчиман: ёши улғу инсонлар, катта авлод вакилларига эътибор ва амалий ғамхўрликни кучайтириш, уларнинг пенсияларини ошириш, тиббий хизмат ва ижтимоий-маиший таъминотини яхшилаш бундан буюм ҳам Президент учун, Ҳукуматимиз ва барча ҳокимликлар учун энг муҳим устувор вазифалардан бири бўлиб қолади.

Шу мақсадда пенсионерлар, ёлғиз қария ва ногиронларга давлат кўмагини кучайтириш бўйича айна пайтда кенг қамровли чора-тадбирлар комплекси ишлаб чиқилди ва улғу сўзсиз амалга оширилди.

«Нуруний» ва «Маҳалла» жамғармаларининг ходимлар шатларини қўлайитириш ва моддий-техник базасини мустақамлаш, жамиятимиз ҳаётини уларнинг ўрни ва маънавини янада ошириш бўйича қўшимча зарур чоралар қўрилади.

Яратганинг бебаҳо мўъжизаси бўлган азиз аёлларимиз, қадрли оналаримиз, меҳ-

рибон рафиқаларимиз, мунис опа-сингилларимиз, сеvimли қизларимиз — набираларимиз ҳаётда бизга барча тўсиқларни енгиб ўтиш, олдимизга қўйган мақсадларимизга эришиш йўлида доимо ғамхўрлик қилиб, ҳаммиса чексиз ишонч, куч ва мадад берадилар.

Сизларнинг оналик меҳрингиз ва соҳаватингиз, аёллик тароватингиз ва меҳр-оқибатингиз учун биз сизлардан умрбод қарздорим.

Шу сабабли оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш, аёлларнинг турмуш шароитларини ҳисобга олган ҳолда, иш билан таъминлаш, опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш учун ҳар томонлама имконият яратиш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузини ошириш бўйича давлат сиёсатини фаол давом эттиришни биз ўзимизнинг энг муҳим вазифамиз, деб биламиз.

Барчамизга аёнки, Ўзбекистон бой қазилма ва табиий ресурсларга, қудратли иқтисодий ва инсоний салоҳиятга эга. Бироқ бизнинг энг катта бойлигимиз — бу халқимизнинг улкан интеллектуал ва маънавий салоҳиятидир.

Бу салоҳиятни яратиш ва янада қўлайитиришда хурматли зиёлиларимиз — илм-фан ва техника намояндалари, биринчи навбатда қадрли ва хурматли академикларимиз, маданият, адабиёт ва санъат, спорт соҳаларининг вакиллари бутун вужудини бериб, фидокорона меҳнат қилаётганларини биз яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз.

Ана шу заҳматқаш инсонларнинг илмий ва ижодий изланишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар учун зарур шарт-шароитлар яратишни биз ўзимизнинг бирламчи вазифамиз сифатида қўришимиз даркор.

Шу мақсадда ҳукуматимиз томонидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилди.

Бугунги кунда «**Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт!**» деган ҳаётий даъват ҳар биримизнинг, ота-оналар ва кенг жамоатчиликнинг онги ва қалбидан мустақам ўрин эгаллаган.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз аҳолисининг 32 фоизини ёки 10 миллионини 30 ёшгача бўлган ёшларимиз ташкил этади.

Ёшларимиз ҳақли равишда Ватанимизнинг келажаги учун жавобгарликни зиммасига олишга қодир бўлган, бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал этувчи кучига айланиб бораётгани барчамизга гурур ва ифтихор бағишлайди.

Бу соҳада олиб бораётган кенг миқёсли ишларимизни, хусусан, таълим-тарбия бўйича қабул қилинган умуммиллий дастурларимизни мангикий яқини етказишимиз зарур.

Шу мақсадда Ҳукуматнинг, тегишли вазирилик ва идоралар ҳамда бутун таълим тизимининг, хурматли долларларимиз ва профессор-ўқитувчиларнинг энг муҳим вазифаси — ёш авлодга пухта таълим бериш, уларни жисмоний ва маънавий етуқ инсонлар этиб тарбиялашдан иборатдир.

Фарзандларимиз учун замонавий иш жойлари яратиш, уларнинг ҳаётда муносиб ўрин эгаллашини таъминлашга қаратилган ишларимизни янги босқичга кўтаришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Биз ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч оғишмасдан, қатъий билан давом эттирамиз. Нафақат давом эттирамиз, балки бу сиёсатни энг устувор вазифамиз сифатида бугун замон талаб қилаётган юксак даражага кўтарамиз.

Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этишимиз.

Тўртинчидан, иқтисодий ҳокимиятнинг барқарор суръатлар билан ўсишини таъминлаш

дек муҳим тамойил ва устувор вазифини амалга ошириш, давлат раҳбари сифатида мен учун стратегик вазифа бўлиб қолади.

Биз аввало иқтисодий ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш борасидаги ишларимизни янада чуқурлаштириш, ўзинг соҳа ва тармоқларни таркибий жиҳатдан ўзгартириш бўйича бошланган ишларни жадаллаштиришимиз керак.

Тармоқлар ва ҳудудларни модернизация қилиш, уларнинг рақобатдошлик даражасини ошириш, экспорт салоҳиятини ривожлантириш масалалари доимий эътиборимиз марказида бўлиши лозим. Бунинг учун хорижий сарможалар ва илгор технологияларни ҳамда ахборот-коммуникация тизимларини барча соҳаларга янада фаол жалб этишимиз зарур бўлади.

Айнан шу асосда 2030 йилгача мамлакатимиз яқин ички маҳсулотини 2 баробардан зиёд қўлайитиришга эришишимиз даркор.

Қишлоқ ҳўжалигини ислоҳ қилиш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалалари, ҳеч шубҳасиз, биз учун энг муҳим вази-фалардан бири бўлиб қолади. Энг аввало, агросаноат комплекси ва унинг локомотииви, яъни ҳаракатга келтирувчи кучи бўлган кўп тармоқли фермер ҳўжалиқларини изчил ривожлантиришга катта эътибор қаратилади.

Иқтисодий давлат иштирокини стратегик асосланган даражада қисқартириш, хусусий мулкни янада ривожлантириш ва уни ҳимоя қилишга доир комплекс масалаларни ҳал этиш — ҳукумат, давлат бошқаруви органлари ва барча даражадаги ҳокимликлар учун энг муҳим устувор вазифа сифатида белгиланади.

Бизнинг яна бир муҳим вазифамиз — кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, мамлакатимиз иқтисодий қудратини, юртимизда тинчлик ва барқарорлик, ижтимоий тотувликни мустақамлашдан, бу соҳа улшини янада ошириш учун кулай шарт-шароитлар яратиб беришдан иборат. Нега деганда, тадбиркор нафақат ўзини ва оиласини, балки халқни ҳам, давлатни ҳам боқайди. Мен тақдор бўлса ҳам, айтишдан ҳеч қачон қарчамайман, яъни «**Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади.**»

Шунинг учун бундан кейин тадбиркорликни ривожлантиришга тўққинлик қилиш — давлат сиёсати, Президент сиёсати тўққинлик қилиш, деб баҳоланади. Принципиал жиҳатдан роғат муҳим бўлган бу позициямизни яна бир бера алоҳида таъкидлаб ўтишни муҳим ва зарур деб ҳисоблайман.

Сайловчилар билан урашуларда нафақат тадбиркорлар, балки аҳолимизнинг кенг қатлами ана шу талабни қатъий қўллаб-қувватлаганига шаҳсан ўзим чўқур ишонч ҳосил қилдим.

Бешинчидан, биз амалга ошираётган иқтисодий ислоҳотлар ва ижтимоий ўзгаришларнинг самараси, биринчи навбатда, аҳолининг моддий аҳоли ва фаровонлигини, унинг ҳаёт даражаси ва сифатини оширишга қай даражада таъсир кўрсатаётгани билан ўлчанади.

Шу мақсадда иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар миқдорини босқичма-босқич ошириб бориш бўйича биз аниқ чора-тадбирларни режалаштиришимиз ва улғу албатта амалга оширилади.

2017 йилдан бошлаб аҳолини, авваламбор, лицейлар, касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юртлири битирувчиларини иш билан таъминлаш масаласи бўйича янги тизим жорий этилади.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва аҳолининг улғу бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш, жумладан, мақбул нархлар бўйича кенг турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан халқимизни тўлиқ таъминлаш олдимизда турган муҳим вазифалар қаторига кирди.

Биз учун бебаҳо бойлик бўлган инсон саломамлигини асраш мақсадида соғлиқни сақлаш соҳасини, энг аввало, унинг бирламчи бўғинидаги бўлимчалари ва қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш, тез тиббий ёрдам ва юқори техноло-

гиялар асосида хизмат кўрсатадиган, икти-сослашган махсус марказларни янада ривожлантириш юзасидан чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш Ҳукуматнинг эътибор марказида бўлиши даркор.

Бу масалада кунги кеча Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги раҳбар кадрлар тўлиқ янгиланди ва айтиш мумкинки, уларнинг таркиби кучайтирилди.

Барчангизнинг хабарингиз бор, дори воситалари ва тиббий буюмларга нархларни шакллантириш тизимини такомиллаштириш бўйича кейинги пайтда аниқ чоралар қўрилмоқда ва биз бу ишларни қатъий давом эттирамиз.

Бу борадаги ислоҳотлар аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш ва дори воситалари билан таъминлаш сифатини тубдан яхшилашга қаратилгани билан алоҳида аҳамиятга эга.

Хабарингиз бор, 2017 — 2021 йилларга мўлжалланган 15 та мақсадли дастурнинг айримлари қабул қилиниб, уларнинг ижросига киришилди ва яқин вақт ичида шу йўналишдаги бошқа дастурларнинг барчасини тасдиқлаш бўйича ишлар тўлиқ якунланди.

Мақкур дастурларнинг барчасини ягона мақсад бирлаштириш таради. Яъни, улғу яқин 5 йилда аҳоли пунктларини, айниқса, қишлоқ жойлар, туман ва шаҳарларни комплекс ривожлантириш, замонавий муҳандислик-коммуникация, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини шакллантиришга доир бир қатор долзарб масалаларни ҳал этишга қаратилади.

Олтинчидан, аҳоли билан доимий мулоқот қилиш, унинг қонуний талаблари, сўров ва таклифларини амалга ошириш учун аниқ чоралар қўришни мен ўзим учун энг муҳим ва устувор вазифа, деб ҳисоблайман.

Энди нафақат ҳукумат, балки мутасадди вазирлик ва идоралар, ҳўжалик бирлашмалари, шунингдек, ҳокимларнинг ҳам бу борадаги фаолияти яқунлари бўйича ҳисобот бериш тизими жорий этилади ва шунга қараб уларнинг ишига баҳо берилади. Шу сабабдан ҳар бир раҳбар ва мансабдор шахсдан айна шу асосда тизимли ва самарали иш олиб боришни талаб этаман.

Сизларга яхши маълумки, биз 2017 йилни юртимизда «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб эълон қилдик. Лекин, ҳаммамиз тушунамизки, халқ билан мулоқот, одамларнинг ичига кириш, уларнинг дарду ташвишлари билан яшаи, инсон манфаатларини таъминлаш — бу биз учун фақат бир йиллик иш эмасди, ёшларимизнинг бу масала келгуси беш йиллик фаолияти-мизда ҳам энг устувор вазифа бўлиб қолади ва бу ҳақиқатни ҳаммамиз чўқур тушуниб, яхши англаб олишимиз шарт. Чунки, биз юртимизда янги давлат, янги жамият қуриш йўлида қандай иш қилсак, уларнинг барчасини халқимиз билан бамаслаш қиламиз.

Ҳаммамизни тарбиялаган, вояга етказган — шу халқ. Барчамизга туз-насиб берган ҳам — шу халқ. Бизга ишонч билдирган, раҳбар қилиб сайлаган ҳам айнан шу халқ.

Шундай экан, биз биринчи навбатда ким билан мулоқот қилишимиз керак — одамларимиз билан.

Ким билан бамаслаҳат иш тутишимиз керак — аввало халқимиз билан. Шунда халқимиз биздан рози бўлади.

Халқ рози бўлса, ишимизда унум ва ба-рака бўлади.

Халқ биздан рози бўлса, Яратган ҳам биздан рози бўлади.

Шу маънода, буюк Алишер Навоий бобоимизнинг «**Одавий эрсанг, демагик одами, Ониким, йўқ халқ ғамидан ғами**» деган сатрларида қанчалик чўқур ҳаётий ҳикмат, фарсафа бор. Яъни, бу дунёда инсонларнинг дарду ташвишларини ўйлаб яшаи — одавийликнинг энг олий мезонидир, халқнинг ғамидан узоқ бўлган инсонни одам қаторига қўшиб бўлмади, деб таъкидламоқда улғу бобоимиз.

Бу ўлмас сатрлар бизнинг бугунги ҳаётимиз билан, бизнинг орзу-интилиш ва амалий ҳаракатларимиз билан нақадар ҳамоҳанг экани одамни ҳайратга солади.

Ќ(3).

Ќ(1). Биринчи Президентимизнинг 2003 йил 4 августдаги фармонида асосан «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишонини билан халқимизнинг ифтихорига айланган, юксак ватанпарварлик, фидойилик туйғуси, меҳнатсеварлик фазилатларини ўзида мужасамлаштирган, Ватанимиз обрўси, шон-шўхратини юксалтиришга, унинг халқаро нуфузини янада оширишга хизмат қилаётган, мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётини фаол иштирок этиб, тенгдошларига намуна бўлаётган ёшлар тақдирлаб келинмоқда.

Ушбу кўкрак нишонига номзодлар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг


Ватанимиз ривожига муносиб ҳисса қўшишга рағбатлантирилмоқда.

Маросимда илм-фан, маданият, санъат, таълим, соғлиқни сақлаш, журналистика, спорт, қишлоқ ҳўжалиги, кичик бизнес, ҳуқуқ ва ҳарбий соҳаларда ўқийётган, ишлаётган ҳамда илмий-ижодий фаолият билан шугўлланиб, юксак натижаларга эришаётган 50

нафар йигит-қизга «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишонини тантанали топширилди. Тақдирланганлар орасида Тошкент давлат аграр университети магистранти Маъмура Халилова ҳам бор.

Маъмура 2015 йил Беруний номидаги давлат стипендияси, «Камолот» стипендияси соҳибиди, «Орт келажаги», «Еш тадбиркор — юртга мададкор» танловлари ғолиби бўлган.

— Биз, ёшларнинг мана шундай табаррук юртда туғилиб ўсганимиз, шу муқаддас замин, шу азиз Ватан фарзанди эканимиз энг буюк бахтимиздир,



— дейди Маъмура Халилова. — Илмий изланишларим натижалари мамлакатимиздаги ва халқаро журналларда нашр қилинган. Барча ёшлар қатори Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигига хизмат қилиш — энг улғу мақсадимдир.

Тадбир ёш ижрончилар ва санъат усталари иштирокидаги концерт дастури билан якунланди.

Дилшод КАРИМОВ,
ЎАА муҳбири.
ЎАА фотомуҳбири
Оқил ҒУЛОМОВ олган суратлар.

ЮКСАК МАРРАЛАРГА ЭРИШГАН ЁШЛАР

қуйи ташкилотлари ва жамоатчилик томонидан тақдим этилиб, совриндорларга мукофот Ҳаракат марказий кенгашининг қарори асосида берилади. Зеро, бугун мамлакатимизда соғлом фикрли ёшларни ўз атрофида бирлаштириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва манфаатларини таъминлашда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ҳам муҳим ўрни бор. «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишонининг Ҳаракат томонидан топширилиши ёшларни ушбу ташкилот атрофида янада жипслашишга, уларни бир куч бўлиб, ўз билим ва истеъдоди, фидойилиги билан

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЛАВОЗИМИГА КИРИШИШ ТАНТАНАЛИ МАРОСИМИГА БАҒИШЛАНГАН ОЛИЙ МАЖЛИС ПАЛАТАЛАРИНИНГ ҚўШМА МАЖЛИСИ ТўҒРИСИДА АҲБОРОТ

Ќ(1). Абдулла Ариповнинг бевосита хизмат ваколатига кирмайдиган қўшимча вазифаларини ҳам топшириб, бу инсонни кўп мартаба ҳар томонлама синовдан ўтказганман.

Бу кишининг юртимизда бормаган вилоят, шаҳар ёки тумани, кирмаган даласи, қурилиш, маданий-маиший, савдо объектлари қолмаган. Шунинг учун мамлакатимиз ҳудудларидаги шарт-шароитни, муаммо ва масалаларни жуда яхши билади. Энг

ЭРКИН ВА ФАРОВОН, ДЕМОКРАТИК ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТИНИ МАРД ВА ОЛИЖАНОБ ХАЛҚИМИЗ БИЛАН БИРГА ҚУРАМИЗ

Ў(1-2).
Биз барча давлат идоралари фаолиятида аҳолининг мувожаатлари билан ишлаш бўйича сифат жиҳатидан мутлақо янги тизимга ўтишимиз даркор. Хусусан, 2017 йилдан бошлаб барча даражадаги ҳокимлар, прокуратура ва ички ишлар органлари раҳбарларининг аҳоли олдида ҳисобот бериш тизими жорий этилади.

Шу билан бирга, илгари ҳам айтганимиз каби, ҳар бир туман ва шаҳарда, «Халқ қабулхоналари»ни ташкил этиш ва уларнинг тўлақонли фаолият кўрсатишини таъминлашимиз зарур бўлади.

Бу қабулхоналарнинг ҳуқуқий мақоми, уларнинг ваколат ва мажбуриятларини ҳам аниқ белгилаб, бирорта ҳам мувожаат эътиборсиз қолмайдиган тизим фаолиятини йўлга қўйиш даркор.

Давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига баҳо беришда қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига қандай ҳимоя қилинаётгани, уларга давлат хизматлари кўрсатишнинг сифати ва очқиллиги биз учун энг асосий мезон бўлиши шарт. Шу борада бир фикрни яна такрорлаб айтмоқчиман: **халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак.**

Шу муносабат билан энг муҳим ижтимоий-иқтисодий вазибалар, тармоқ ва худудлар бўйича мақсадли дастурлар, устувор инвестиция лойиҳалари ва бошқа долзарб вазибалар бажарилишини танқидий таҳлил қилиш юзасидан амалдаги мавжуд тизим самардорлигини оширишимиз лозим.

Айни вақтда Вазибалар Маққамасининг комплекслари ва иқтисодий тармоқлар раҳбарлари ҳамда ҳокимларнинг Президент хузурида шахсий ҳисоботини эшитиш амалиёти янгитдан жорий этилади.

Хукуматга, ҳокимликларга сайловчилар ва аҳолининг кенг қатламли билан учрашувлар яқунлари бўйича 2017 — 2021 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрини ривожлантириш борасидаги муаммолар масалаларни ҳал этиш юзасидан ишлаб чиқилган комплекс чора-тадбирларни вазибалар ва идоралар билан биргаликда сўзсиз амалга ошириш топширилади.

Бугунги кунда нафақат Бош вазибаларнинг электрон почтаси ва қабулхонасига, балки Президент номига келиб тушаётган фуқароларнинг қонуний мувожаат ва шикоятларини батафсил ўрганиш ва уларда қўрилган масалаларни ечиш бўйича ишларни фаол давом эттириш гоят муҳим, деб ҳисоблайман.

Умуман олганда, бундан кейин вазибалар ва идоралар, ҳўжалик бирлашмалари раҳбарлари ва ҳокимларнинг фаолияти натижаси курак иқтисодий рақамлар билан эмас, балки уларнинг одамлар билан қандай мулоқот олиб бораётгани ва ишни ташкил этгани, фуқароларнинг муаммоларини қай даражада ҳал қилаётганига қараб баҳоланади ва тегишли хулосалар чиқарилади.

Айни шу масалада уларнинг фаолияти ижобий бўлса, халқ улардан рози бўлса, раҳмат деймиз, акси бўлса — биз бундай раҳбарлар билан хайрлашамиз.

Хўрматли дўстлар!
Олдимизда турган кенг кўламли вазибаларни самарали ҳал этиш, энг аввало, давлат раҳбари сифатида шахсан мендан, давлат ҳокимиятининг урта тармоғидан, шунингдек, барча раҳбар ва мансабдор шахслардан қатъий интизомни талаб этади.

Ишимизни тўғри ташкил этиш, унинг самардорлигини таъминлаш, бутун бошқарув тизими фаолиятини сифат жиҳатидан замон талабларига даражасига кўтаришни бугун ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда.

Албатта, биз режалаштираётган барча ўзгаришларнинг ниҳоятда қўқирғали ва ўта муҳим эканини мен чуқур тушунам.

Бироқ, йўлимизда қандай тўсиқ ва қийинчиликлар, кескин ва долзарб муаммоларга дуч келсак ҳам, шоша-шошарлик билан, паллартиш қарорлар қабул қилишга, яхши ўйлаб

қўрилмаган хатти-ҳаракатларга йўл қўйишга ҳаққимиз йўқ.

Бизнинг вазибамиз — тўпланган тажриба ва илгор халқроқ амалиётга суянган ҳолда, ўзимизнинг тараққиёт ва янгиликни моделимизни қатъий амалга оширишдан иборат. Шу борада яқин ва ўрта мудатда белгиланган марраларга эришиш учун қатъият билан ҳаракат қилишимиз зарур.

Шу мақсадда 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракат стратегиясини ишлаб чиқиш яқин кунларда яқунланади.

Бу стратегия давлат қурилиши, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, иқтисодий эркинлаштириш, ижтимоий соҳани ривожлантиришни жадаллаштириш ва фаол ташқи сиёсатни амалга оширишга оид бешта асосий устувор йўналишни қамраб олади.

Халқимиз билан доимий мулоқот қилишга доир талабни амалда бажариш учун ушбу Стратегияни қабул қилишдан олдин уни оммавий ахборот воситаларида эълон қилиб, элортимиз ўртасида кенг муҳокама қилишни тақлиф этаман.

Ишончим комилки, бундай муҳокамалар халқимиз манфаатларини янада тўлиқ инобатга олиш учун хизмат қилади.

Азиз дўстлар!

Маълумки, Конституциямизнинг 98-моддасига мувофиқ, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларнинг устувор вазибаларини муваффақиятли ҳал этиш учун жавобгарлик Вазибалар Маққамаси, ҳукуматнинг ҳар бир аъзоси, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари зиммасига юклатилган.

Бу, биринчи навбатда, Бош вазибаларнинг ўринбосарларидан юксак даражадаги шахсий масъулиятни, шунингдек, уларнинг зиммасига юкланган вазибаларни самарали ва тўлиқ бажаришни талаб этади.

Шу муносабат билан бир тақлиф киритмоқчиман. Яъни, Олий Мажлис палаталарининг 2015 йил 23 январдаги ва жорий йилнинг 8 сентябрдаги қўшма мажлисларида тақлиф этилган Вазибалар Маққамасининг ҳаракат дастурини янада аниқлаштириб, ҳозирги талаблардан келиб чиққан ҳолда, унга қўшимчалар киритиш лозим. Бу — кечиктириб бўлмайдиган вазибодир.

Умид қиламанки, бугунги мажлисимизнинг иккинчи қисмида Бош вазибаларнинг ўринбосарларидан янги номзод ушбу дастурнинг яқин ва узок истиқболда мўлжалланган асосий йўналишлари ва устувор вазибаларни тўғрисида ахборот беради.

Бу борада асосий диққат-эътиборни қуйидаги стратегик йўналишларга қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлайман.

Биринчидан, иқтисодий тизимда юқори ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, макроиқтисодий барқарорлик ва миллий валютимизни янада мустаҳкамлашни таъминлаш.

Иккинчидан, мамлакатимиз худудларини, яъни шаҳар, туман ва маҳаллаларни, айниса иқтисодий ва ижтимоий ривожланишда нисбатан орқада қолаётган туман ва шаҳарларни комплекс ва жадал ривожлантириш.

Учинчидан, аҳолининг реал даромадларини, турмуш даражаси ва сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратиш.

Ҳукумат ва шахсан унинг янги раҳбарияти фаолияти самарасини биз айнан шу мезонлар асосида баҳолашимиз зарур.

Шу мақсадда яқин кунларда Вазибалар Маққамасининг ижро этувчи тузилмаси қайта қўриб чиқилади ва тасдиқланади. Бундай ўзгаришлардан асосий мақсад — тўпланган тажриба асосида ва мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича олдимизда турган кенг кўламли янги вазибаларга мувофиқ, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг энг оптимал ва самарали тизимини ишлаб чиқишдан иборат.

Ана шу тизим марказида нафақат иқтисодийнинг таянч тармоқларини, балки, энг аввало, худудларни комплекс ривожлантириш ва мамлакатимиз барча фуқароларининг ҳаётини манфаатларини таъминлашга ва уларнинг даромадларини кўпайтиришга доир ис-

тиқболдаги муҳим вазибалар туриши керак.

Олдимизда марказий бошқарув органлари — Иқтисодий вазибалиги, Молия вазибалиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазибалиги, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, божхона тизими ва бошқа идоралар фаолиятини тубдан яхшилашга доир комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш вазибалиги ҳам турибди.

Мамлакатимиз банк тизими ва бозор инфратузилмасининг бошқа органлари фаолияти самарадорлигини ошириш ҳам долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Афсуски, ҳозирги кунда уларнинг фаолияти бугунги ҳаёт ва иқтисодий ислохотлар талабларидан анча ортада қолмоқда. Шунинг учун биз бугунги йўналишимизга барча йирик тижорат банклари раҳбарларини ҳам тақлиф этганимиз. Уларнинг бош вазибалиги — бундан кейин ўз иш услубларини тубдан ўзгартириб, фуқароларимиз ва тадбиркорларнинг ҳақиқий ишончини қозонишга ва уларга ҳақиқий қўмақдош бўлишга эришишдан иборат.

Шу боис давлат банклари олдида қуйидаги вазибалар қўйилмоқда. Улар ҳар бир оила билан мулоқот ташкил қилиш орқали фуқароларнинг тадбиркорлик билан шуғулланиши учун қўлай имкониятларни яратиши керак.

Шу мақсадда тижорат банклари ва уларнинг жойлардаги филиаллари, ўз имкониятларидан келиб чиқиб, тадбиркорларга молиявий қўмақ ва мадад беришни зиммасига олади.

Ўнда қилиб айтадиган бўлсак, **банклар энди халқимизни тадбиркорликка, ишбилармонликка ўргатиши ва шунга етаклаш лозим бўлади.**

Шунда одамлар боғдорчилик, чорвачилик, хўнарандчилик, қасаначилик, хизмат кўрсатиш, сервис ва бошқа соҳаларда тадбиркорлик билан шуғулланиб, кичкина бўлса ҳам ўзининг қорхонасини ташкил этиб, қонуний асосда даромад топади, ўзини ҳам, оиласини ҳам молиявий жиҳатдан мустаҳкамлаб, маҳалламиз, туманимиз ва шаҳримиз, вилоятимиз ва мамлакатимиз ривожига муносиб ҳисса қўшади.

Бу сиёсатнинг асосий мақсади шундан иборатки, биз ҳар бир фуқаро ўзининг куч ва имконияти, қобилияти ва салоҳиятини рўёбга чиқариши учун кенг шaroит ва имконият яратиш беришимиз керак.

■ **Мана**, 2016 йил якунига етишга ҳам 15 кун вақт қолди. Биз йилни муваффақиятли яқунлаш, белгиланган мақсадларга эришиш, яъни — 2017 йилда мамлакатимиз барқарор ривожланиши ва жадал ўсиш суръатларини таъминлаш учун мустаҳкам замин яратиш мақсадида барча воситаларни сафарбар этишимиз лозим.

Вазибалар Маққамаси раҳбариятидан бу вазибаларни ҳар томонлама пухта бажаришни ва келгуси йил январ ойида ўтказиладиган Ҳукумат мажлисида бу ҳақда батафсил ҳисобот беришни сўрайман.

Хўрматли мажлис иштирокчилари!

Мамлакатимиз Асосий қонунининг 78-моддасига мувофиқ, мамлакатни модернизация қилиш, жамиятимизни ислохот этиш ва демократлаштиришни таъминлашда муҳим ўрин ва жавобгарлик Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатига юкланган.

Бунинг учун урта вазибани амалга ошириш зарур.

Биринчи вазиба — 2016 йил 7 декабрдаги тантанали мажлисда белгилаб берилган топшириқларнинг аниқ бажарилишини таъминлаш керак.

Ҳабарингиз бор, мен Конституциямиз қабул қилинган кунга бағишлаб ўтказилган ўша йўналишда депутатлар ва сенаторларга бир тақлиф билан мувожаат қилган эдим. Яъни, парламент ва жамоатчилик назоратининг таъсирчан механизмларини шакллантириш мақсадида шаҳар ва туманларда ҳақиқий аҳолининг ўрганиб, тегишли раҳбарларнинг ҳисоботини халқ депутатлари кенгашлари сессияси муҳокамасига киритиш тартибини жорий этишни тақлиф этган эдим.

Бунинг учун ҳар қайси вилоятдан сайланган Олий Мажлис депутатлари ва сенаторлар ҳар ойда 10-12 кун давомида бир туманда бўлиб, ҳокимият идоралари, прокуратура ва ички ишлар бўлимининг фаолиятини пухта ўрганиб, таҳлил қилиши ҳамда тегишли хулоса беришлари лозим бўлади. Шу асосда хўрматли Спикер ва Сенат Раиси жойларда ўзлари бош бўлиб, маҳаллий кенгашларда ана шундай муҳокамалар ўтказиш тизими жорий этилса, бу ишлар эртага албатта ўзининг ижобий самарасини беради.

Иккинчи вазиба — «Парламент назорати тўғрисида»ги қонуннинг амалдаги ижросини барча соҳаларда мониторинг қилиш, шунингдек, бу борада хорижий мамлакатларнинг илгор тажрибасини ўрганиш ва жорий этиш зарур.

Шунинг учун кеча Олий Мажлис Сенати йўналишида муҳим бир масала муҳокама қилиниб, тегишли қарор қабул қилинди.

Маълумки, мамлакатимизнинг чет давлатлар билан иқтисодий алоқаларини янада мустаҳкамлаш ва хорижда республикамизнинг иқтисодий имкониятларини кенг тарғиб қилиш орқали унинг халқроқ нуфузини янада ошириш, инвестицияларни жалб қилишни жадаллаштириш, туризм соҳасини янада ривожлантириш иқтисодий соҳадаги устувор вазибаларимиздан бири ҳисобланади.

Шу боис Ташқи ишлар вазибалиги ва бошқа давлат идораларининг бу йўналишлардаги фаолияти устидан самарали парламент назорати тизимини яратиш мақсадида Сенат раисининг биринчи ўринбосари лавозими жорий этилди ва бундан бунён Сенатнинг тегишли қўмитаси фаолияти тубдан такомиллаштирилди.

Учинчи вазибанин аҳамияти ва муҳимлигини алоҳида таъкидламоқчиман — қонун талабларини бажармаслик билан боғлиқ ҳар бир ҳолат юзасидан аниқ ҳуқуқий таъсир чораларини қўриш керак.

Жойлардаги давлат ҳокимияти органлари — барча даражадаги ҳокимликлар, халқ депутатлари кенгашлари фаолиятини такомиллаштиришни давом эттиришимиз зарур. Шунинг учун Олий Мажлис Сенати томонидан ҳар бир вилоятда навбатма-навбат намунавий халқ депутатлари кенгашлари ишини ташкил этиш тажрибаси жорий этилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Уларнинг асосий мақсади ва вазибалиги — аҳолининг барча тоифалари билан доимий мулоқотда бўлиш, фуқароларнинг қонуний талаб ва эҳтиёжларини нафақат ўрганиш, балки уларни таъминлашдан иборат.

Мавжуд муаммоларни амалда ҳал этиш, шунингдек, аҳоли ўрчин меҳнат қилиш, маълумоти дам олиш ва муносиб турмуш даражасини таъминлаш бўйича ҳар томонлама қўлай шaroитлар яратиш лозим. Айнан ана шу мезонлардан келиб чиқиб, маҳаллий ҳокимият органларининг мамлакатимиз Конституциясининг 100- ва 101-моддаларни талабларини бажариш бўйича фаолияти самарадорлиги тўғрисида хулоса чиқариш мумкин ва зарур. Шунинг учун ҳам 2017 йил юртимизда «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб эълон қилинган алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман.

Ҳаммамиз яхши тушунамизки, олдимизда турган кенг кўламли вазибаларни бажариш учун кадрлар билан ишлашнинг бутун тизимини такомиллаштиришга доир бир қатор ишларни албатта амалга оширишимиз керак.

Ҳозирги вақтда давлат ва ҳокимият идораларида кўп ҳолларда кадрлар салоҳиятидан фойдаланиш, уларнинг вазиба ва ваколатлари тақсимоти оқилона ва самарали йўлга қўйилмагани сезилмоқда.

Энг ёмони, бу ҳолат ишимизга халақит бермоқда. Бир идорани қарасангиз, юзлаб одам номига ишлаб ўтирибди. Бошқа идорани қарасангиз, иш кўп, вазиба кўп, лекин ишлайдиган одам, кадр етишмайди.

Бундай нотўғри иш тақсимотига мутлақо чек қўйишнинг вақти етди. Ҳар бир давлат ҳокимияти ўзининг бурчи ва мажбуриятини аниқ-равшан билиши, содда қилиб айт-

ганда, ўз авасини ўзи тортиш лозим.

Бу — замон талаби. Олдимизга қўйган мақсад-мувожаатларга етиш учун бу ишларни ўзимиз қилмасак, бошқа ҳеч ким бизга четдан келиб қилиб бермайди. Шу нуқтаи назардан қараганда, кадрларнинг амалий захирасини шакллантириш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг муҳим масалаларини ўз ичига оладиган мақсадли дастурни ишлаб чиқиш вақти келди, деб ўйлайман.

Асосий вазиба — бу юқори касб маҳорати ва замонавий тафаккурга эга, пухта ўйланган, ҳар томонлама тўғри қарорлар қабул қила оладиган, белгиланган мақсадларга эришадиган раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг янги таркибини шакллантиришдан иборат.

Бу борада худудий бошқарув органлари, энг аввало, мамлакатимиз туман ва шаҳарлари ҳокимликлари учун малакали кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Бунинг учун олий таълим муассасалари тизими билан бирга, мамлакатимиздаги 6 та академия, Вазибалар Маққамаси хузуридаги Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази каби ташкилотларнинг илмий-амалий салоҳияти ва имкониятларини янада фаол сафарбар этиш даркор.

Шу ўринда айтиш керакки, Президент хузуридаги Давлат бошқаруви академияси ўзига юклатилган вазибани мутлақо удрламаяти, десак, тўғри бўлади. Шунинг учун ушбу академияни ҳам, унинг иш услубини ҳам тубдан ўзгартириш ва раҳбар кадрларини қайта қўриб чиқиш лозим.

Айни вақтда маҳаллий ҳокимликларнинг вазиба ва ваколатларини ҳам такомиллаштириш талаб этилмоқда.

Худудларни ҳар томонлама ривожлантириш, ижтимоий-иқтисодий дастурларни амалга ошириш, қонунлар ижросини таъминлаш, жойлардаги давлат бошқаруви органлари фаолиятини самарали мувофиқлаштириш борасидаги ролини ҳисобга олиб, бугунги кунда маҳаллий ҳокимликларга қўшимча ваколатлар бериш борасида тегишли тақлифлар тайёрланмоқда.

Хўрматли дўстлар!
Давлатимизнинг ташқи сиёсат соҳасидаги ёндашув ва позицияси Конституция кўнига бағишланган маърузада атрофлича баён этилган сизларга яхши маълум.
■ Ана шу «фирқаларга қўшимча қилиб айтмоқчиманки, биз жаҳондаги илгор тажрибаларни чуқур ўрганиш ва амалда жорий этишни олдимизда турган кенг кўламли вазибаларни муваффақиятли амалга оширишнинг муҳим шартларидан бири, деб ҳисоблаймиз.

Биз ўзаро ишонч ва манфаатларни ҳисобга олиш асосида хорижий давлатлар, энг аввало, қўшни давлатлар, шу билан бирга, халқроқ институтлар билан яқиндан ҳамкорлик қилишни бугунги кун талаблари даражасида ташкил этамиз.

Ўзбекистонда ўзини ишончли шерик сифатида кўрсатган ишбилармонлар билан ҳамкорлик муносабатлари албатта давом эттирилади.

Бу борада янгитдан ташкил этилган Сенат қўмитасидан зиммасига юкланган вазибаларни изчил амалга ошириш талаб этилади.

Азиз ва муҳтарам юртдошлар!
Ҳозирги вақтда олдимизда нақадар улкан вазибалар турганини барчамиз яхши тушунамиз. Биз Ватанимизнинг буюк келажак сиз, азизлар билан, мард ва олижаноб халқимиз билан биргаликда барпо этамиз, қўзлаган мақсадларимизга албатта эришамиз.

Шу борада барчамизга Яратганнинг ўзи мададкор бўлсин!

Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, бахт ва омад, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилайман.

Ўртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, халқимиз ҳамма омон бўлсин!
Эътиборингиз учун раҳмат.

Муносабат



Икхтим ТОШБОЕВА, Яққа тартибдаги тадбиркор, Шўрчи тумани.

Ўзбекистон Республикасининг «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги Қонуни барча касаба уюшма ташкилотлари фаоллари томонидан катта кизиқиш билан ўрганилмоқда.

Фаолият кафолати

— Мамлакатимизда хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Бу борада, айниса, миллий хўнарандчилик йўналишидаги оилавий бизнес субъектларига кенг имтиёзлар яратилган. Яқинда қабул қилинган «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги қонунда кичик қорхона ва тадбиркорлик субъектларида касаба уюшма ташкилотини тузишда имкониятлар яратилгани ҳам бунга мисол бўла олади.

Фаолияти Сурхон каштачилик мактаби аъёнларини тиклаш ва ривожлантиришга қаратилган қорхона-

намизда 20 нафар хотин-қиз иш билан таъминланган. Касаба уюшма бошланғич ташкилоти тузилган бўлиб, жамоа шартномаси асосида иш олиб борамиз. Аъзоликдан келиб чиқувчи имкониятлардан нумули фойдаланаямиз. Жумладан, ходимлар фарзандлари оромгоҳларда дам олдирилмоқда. Уларни учун сиҳаттоғларга йўлланмалар ажратилапти. Жамоамизда касаба уюшма мутахассислари иштирокида давра сўхбатлари, семинарлар уюштирилиб, меҳнат ҳуқуқи, тадбиркорларга яратилган имтиёзларнинг мазмун-моҳияти тўғрисида тушунтиришлар берилади. Бу эса ўз ўрнида меҳнат унумдорлиги, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва ижодий кайфиятни шакл-

лантиришга катта ҳисса қўшмоқда. Халқ амалий санъатининг унутлиб кетаётган ноёб намуналари — ой гилам, буғзома, хуржун, сўзана, зардевол, чонач, мукки боғ, ойна халта, чимилдик боғ, гулли кигиз, миллий келинлар кўйлаги, мунчоқли касаба дўппи, эркаклар дўпписи, момо салла, жумалак каби қадимий услубдаги буюмлар ишлаб чиқарамиз. Ўзим каштачилар сулоласининг учинчи авлод вакилиман. Қорхонамиз 2012 йилда «Ташаббус» кўриктанловининг вилоят босқичида, 2003 йили ЮНЕСКОнинг халқ амалий санъати намуналари бўйича ўтказилган халқроқ танловида 1-даражали диплом билан тақдирланган. Маҳсулотларимиз Туркия, Франция, Германия, Америка, Япония, Корея, Хиндистон, Белгия, Малайзия, Тожикистон, Туркменистон каби давлатларда ўтган халқроқ фестивал ва кўргазмаларда намойиш этилган. Биз тиккан буюмлардан мамлакатимиз ҳамда АКШ, Белгия, Англия, Германия, Туркия, Хиндистон, Япония, Жанубий Корея каби давлатларда ўтказилган концертларда сахна бекзаклари сифатида фойдаланилган.

Ҳаёт қонундан келиб чиқувчи янги имкониятлар фаолиятимизни янада ривож топтираши, ижтимоий шериклики мустаҳкамлашга ишонаман.

Сифатли ва мазали



Навоий шаҳридаги «Favorit lyuks servis» масъуляти чекланган жамиятида тайёрланаётган нон ва қандолат маҳсулотларига талаб ортмоқда.

2013 йили 8 ишчи фаолият бошлаган қорхонада бугунги кунда улар сонин 40 нафарга етди. Айни пайтда бу ерда кунига 3 ярим тонна ун қайта ишланиб, 200 турдаги нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Сифатли ва мазали маҳсулотлар савдо дўконларига, бюртмачи ташкилотларга пешма-пеш отқазиб берилмоқда.

ЎА фотомўхбири Сирож АСЛОНОВ олган сурат.

Реклама ва эълонлар

«Представительство «Project for economic reform and development in Central Asia» в Узбекистане (сокращенное наименование — PERDCA), расположенное по адресу: г.Ташкент, Мирзо Улугбекский район, улица Асака, дом 30 «А» и зарегистрированное в Министерстве юстиции Республики Узбекистан (г. Ташкент, Юнусобадский район, улица Сайилгоҳ, дом 5) ликвидировано на основании решения Верховного суда Республики Узбекистан от 06.10.2016 года.

Требования кредиторов могут быть заявлены в течение двух месяцев со дня опубликования настоящего объявления по адресу: г.Ташкент, Юнусобадский район, улица Сайилгоҳ, дом 5».

«Paxtakor» sport mashgullotlari o'quv markazi AJning davlat ruyxatidan utganligi t'vrisidagi, №1075 reestr raqami 09-1075 bulgan, 2014 iyl 13 avgustda berilgan guvohnoma i'vohlanganligi sababli bekor qilindi.

Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Гурлан туман кенгаши ра

ОМОН БЎЛИНГ, МУШТАРИЙ

Танлов



Ўз касбининг моҳир эгалари

Ўзбек Миллий академик драма театрида «Ўз касбининг моҳир эгалари» танловининг республика финал босқичи ғолибларини тақдирлаш тадбири бўлиб ўтди.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш билан бирга, турли тармоқларда меҳнат қилиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга муносиб ҳисса қўшиб келаётган турли касб эгалари меҳнатини қадрлаш, уларни ўзгаларга ўрнак сифатида рағбатлантириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Шу мақсадда касба уюшмалари томонидан ҳар икки йилда бир мартаба «Ўз касбининг моҳир эгалари» танлови аънавий равишда ўтказиб келинаётир. Мазкур тадбирдан кузланган мақсад

турли соҳада намунали фаолият кўрсатиб келаётган, ўз ишининг ўзаси бўлган, фидокорона меҳнатлари билан юрт равнақида ҳисса қўшаётган, бу йўлда излашни ва ташаббус кўрсатишдан тўхтамаётган, ижтимоий шериклик асосида халқимизнинг ижтимоий-иқтисодий манфаат ва ҳуқуқларини ҳимоялаш борасида юқори натижага эришаётган турли соҳа ходимларини рағбатлантириш, бу орқали уларнинг профессионаллик даражаси ва меҳнат унвондорлигини ошириш ҳамда кўтаринки кайфият бахш этишдир. Шунингдек, ушбу тадбир орқали ишчи-ҳодимларнинг ўз касбига бўлган фидойилиги ва ижодкорлик қобилиятини рағбатлантириш, ижтимоий

фаолиятга кенг жалб этиш, «Устоз-шогирд» аънавларини қўллаб-қувватлаган ҳолда, турли соҳада меҳнат қилаётган моҳир касб эгаларига ёш мутахассисларни бириктириш орқали ёшларнинг касбий маҳоратини ошириш кўзда тутилган.

Тадбирга республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлаш ҳамда турли соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларни ҳаётга татбиқ этишга муносиб ҳиссасини қўшаётган, билим ва сависси, илмий излашилари, фидокорона меҳнати билан янги ютуқ ва натижаларни қўлга киритаётган турли соҳа ходимлари тақдир этилди.

Аҳамиятли томони шундаки, ўз кас-

бининг моҳир эгаси сифатида тақдирланаётганлар энг қуйи бўғинда фаолият кўрсатаётган бошланғич ташкилотлар тавсияси асосида саралаб олинди. Мазкур рағбатга муносибларни аниқлаш жараёнида асосий эътибор «Ўз касбининг моҳир эгаси» сифатида танланаётган инсонларнинг муайян бир соҳада қўл йиллар меҳнат қилиб келаётган тажрибали мутахассислар эканлигига, ўзига юқлатилган вазифаларни сиздиқидан бажаришига, соҳани ривожлантириш мақсадида олиб бораётган изланувчанлиги, эришган ютуқлари, ташаббуслари ва яратган янгилликларига, ёшларга ўз касбининг сир-асорини ўргатиб, шогирдлар тайёрлаш борасидаги сай-ҳаракатларига, меҳнат жамоаси орасидаги обрў-эътибори, жамоатчилик ишларидаги фаоллиги ҳамда мамлакатимизда турли соҳаларда олиб борилаётган кенг қўламадаги ислохотлар мазмун-моҳиятини тўғри англаши, уларни ҳаётга татбиқ этиш борасидаги ҳиссасига қаратилди.

Ўз касбининг моҳир эгалари беш босқичда, хусусан, аввало, корхона, ташкилот ва муассасаларда, сўнгра туман ва шаҳарларда, кейин Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳамда туртинчи босқич тармоқ касба уюшмалари Республика кенгашлари микросида сараланди. Дастлабки босқичларда 32 минг нафардан ортқ турли касб эгалари иштирок этиб, улардан 134 нафари саралаб олинди ҳамда сўнгги — Республика финал босқичига тавсия этилди.

Ушбу босқичда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан номзодлар ичидан энг муносиб 44 нафари саралаб олинди, тантанали равишда тақдирланди. Ўз касбининг моҳир эгаси сифатида эътироф этилганлар орасида таълим, фан, маданият, санъат, соғлиқни сақлаш, жамоат хизмати, алоқа, авиация, темирйўл, транспорт, йўл, қурилиш, агросаноат, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, нефть-газ, геология, энергетика, кимё, металлургия, машинасозлик, тоғ-кон саноати тармоқларида қўл йиллардан буён самарали меҳнат қилиб, ўз соҳасида эришилган ютуқ ва муваффақиятларга муносиб ҳисса қўшиб келаётган ўз касбининг фидойи ва жонқур эгаларини қўриш мумкин.

Уларга Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг махсус дипломи ҳамда совғалари топширилди. Тантанали тадбир сўнггида иштирокчиларга Ўзбек Миллий академик драма театри жамоаси томонидан саҳналаштирилган «Иймон» спектакли намойиш этилди.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Матбуот хизмати.
Икром ҲАСАНОВ олган сурат.

Спорт янгиликлари

СПОРТ ГИМНАСТИКАСИ

Оксана — рекордлар китобида

Ҳамюртимиз Оксана Чусовитина кетма-кет етти Олимпия ўйинларида иштирок этган ер юзидagi гона гимнастикачи аёл сифатида Гиннесснинг рекордлари китоби саҳифаларидан ўрин олди. У илк бора 1992 йили Барселонада ташкил этилган Олимпия ўйинларида қатнашган.



41 ёшли спортчи учун «Рио-де-Жанейро — 2016» еттинчи Олимпиада бўлди. Бундай кўрсаткичга дунё

спорт гимнастикачилари орасида ҳали ҳеч ким эриша олмагани. Оксана, шунингдек, 2008 йилда Пекинда ўтказилган Олимпия ўйинларида кумуш медалини қўлга киритган эди. Оксананинг профессионал спортдаги фаолияти 25 йилдан бери давом этаётган бўлиб, бу кўрсаткич ҳам спорт гимнастикаси тарихида мулақ рекорд натижа ҳисобланади.

САМБО

Тўрабек — жаҳон чемпиони

Кипрнинг Лимасол шаҳрида самбо бўйича ўсмирлар ўртасида давом этаётган Жаҳон чемпионатининг биринчи кунлик терма жамоамиз учун омадли келди.

72 кг. вазн тоифасида гиламга чиққан ҳамюртимиз Тўрабек Исмоилов ҳал қилувчи финал баҳсида россиялик Андрей Веселовни мағлубиятга учратиб, олтин медалини қўлга киритди. Самбонинг ватани Россия эканлигини инобатга олсак, ғалабанинг қиймати ва баҳоси яққол кўзга ташланади.



Отар Сошишвили ҳамда беларуслик Дзенис Баркавецга насиб этди.

Ушбу вазн тоифасида бронза медаллар гурузиялик

ЮНОН-РУМ КУРАШИ

Синов палласи

Юнон-рум кураши бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Россиянинг Тула шаҳрида ўтказилган халқаро турнирда муваффақиятли иштирок этди.



Ҳамюртларимиздан ўз вазн тоифаларида Лазиз Тошкентбоев, Асилбек Нейматов, Элдор Каримов, Жаҳонхон Саматов олтин

медалини қўлга киритди. Азизбек Алимов ва Акмал Ақромовга халқаро турнирнинг бронза медали насиб этди.

Ушбу халқаро турнир спортчиларимиз учун келаси йили Таиландда ўтказиладиган Осиё чемпионати, сентябр ойида Грецияда бўлиб ўтадиган Жаҳон чемпионатига саралаш ҳамда синов вазифасини ўтаб берди.

Ўз муҳбиримиз

Касба сайр

Мамлакатимизда туризми ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Бу борада республика касба уюшмалари томонидан қатор тизимли ишлар йўлга қўйилгани ҳам айтиш мумкин. Айниқса, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси тасаруфидида «Касба сайр» шўба корхонасининг хайрли таъдирлари биз, фермерларни ниҳоятда қувонтирди. Гап шундаки, Агротуризм мажмуи ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши билан ҳамкорликда тизимдаги ишчи-ҳодимлар ва фермерлардан иборат туристларнинг Малайзияга саёхати уюштирилди.

Малайзия таассуротлари

Сафар давомида ушбу мамлакатнинг нафақат туристик имкониятлари, балки қишлоқ ҳўжалиги бўйича эришган ютуқлари ва айнан шу соҳада амалга оширилган ишлар билан яқиндан танишиб, малака оширдик. Паррандачилик ва богдорчилик соҳасидаги зарурий янгилликлардан хабардор бўлдик. Шунингдек, 1-10 декабр кунлари ташкил этилган Малайзия қишлоқ ҳўжалиги, богдорчилик ва агросайёҳлик кўргазмаси (Malaysia Agriculture, Horticulture & Agrotourism Fair, MAHA-2016)да қатнашдик. Ушбу кўргазмада 2 миллиондан ортқ киши қатнашгани унинг энгалик салоҳиятига эътиборини қўрсатади. Ишончм комилки, у ерда эгалланган янги тажрибалар келажакдаги фаолиятимизда асқотади.

Хуллас, ушбу давлатдан бир олам таассурот билан қайтдик. Шу муносабат билан буюролик «Мирраҳмат — Тўлқин» фермер ҳўжалиги раиси Исоқул Урунов, тадбиркор Носир Саидов ва бошқа сафардошлар номидан биз, қишлоқ ҳўжалиги ходимларининг саёхатини уюштириб, дунё деҳқончилик маданияти билан таништириш баробарида, тажриба алмашишимизга камарбаста бўлган «Касба сайр» шўба корхонасига миннатдорлик билдирмоқчиман.

Тешабой МИРЗАКАРИМОВ, Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидаги «Мирзакарим Теша ота» фермер ҳўжалиги раҳбари

СЎЗ — ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИГА

Тўти ЮСУПОВА, Ўзбек Миллий академик драма театри актрисаси, Ўзбекистон халқ артисти:



— Шундай фараҳбахш кунларда ушбу танлов ғолиби бўлганимдан, меҳнатларим яна бир қарра эътироф этилганидан бошим осмонга өтди. Мен қатори ғолибликни қўлга киритган юртдошларимнинг ишлари бундан-да унумли, хайрли ва баракали бўлишига тилақдошман.

Бу каби рағбат ва эътироф бизни янада шижоат билан ишлашга, Ватан хизматига камарбаста бўлишга ундайди. Танлов ташкилотчиларига чексиз миннатдорлигимни билдираман.

Борис БОЙКО, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси «Uzbekistan airways technics» авиакорхонаси бош муҳандисининг авиация техникасини таъмирлаш бўйича ўринбосари:

— Меҳнат фаолиятимни 1961 йили Ўзбекистон Фанлар академиясига қарашли 243-сонли заводда БТБ муҳандис-технологии лавозимидан бошлаганман. 1992 йилдан «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси «Uzbekistan airways technics» авиакорхонаси бош муҳандисининг авиация техникасини таъмирлаш бўйича ўринбосари лавозимидан меҳнат қилиб келаялман. Камтарона меҳнатимиз шунчалик қадрлиниб, эътибор ва эътирофга лойиқ қўрилганидан хурсандман. Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ўтказиб келинаётган «Ўз касбининг моҳир эгалари» танлови ишимизга бўлган рағбатини янада кучайтирди, десам хато бўлмайдди.

Аснонали ОМОНБОВЕВ, Андижон вилоятидаги «Андижон 1-сон пахта тозалаш» АЖ механиги:



— Ақциядорлик жамиятимизда касба уюшма қўмитаси фаол ишлайди. Касба уюшма аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилишда қонун доирасида иш олиб борамиз.

«Ўз касбининг моҳир эгалари» танловининг агросаноат мажмуи йўналишида ғолиб деб топилганидан мамнунман. Келгусида шогирдларимга ҳам

касбининг сир-асорини пухта ўргатиб, уларнинг ҳам шундай танловларда ғолиб чиқишида кўмаклашаман.

Ниятбай ГАНИЕВ, «Ўзбектелеком» ақциядорлик компанияси «Телекоммуникация транспорт тармоғи» филиали олтинчи боғламаси линия кабел цехи Нукус кабел участкаси электромонтёри:



— Йигирма икки йилдан бери ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация соҳасида ишлаб келаман. OECF лойиҳаси бўйича Бухоро — Нукус оптик толали алоқа кабел магистралининг Нукус — Султаниўздағ йўналиши, JBC лойиҳалари бўйича Нукус — Манғит участкасида шиша толали алоқа кабелларини, Бузатаў — Қўнғирот, Мўйноқ — Қўда — Устюрт йўналиши бўйича ва бошқа қурилиш ишларида қатнашдим. Шунингдек, «Жаслик — Қорақалпоқ — Қозғистон чегараси» оралиғида халқаро оптик толали алоқа линиясини қуриш лойиҳасида оптик муфтларни монтажлаш, ўлчаш ҳамда «Қўнғирот РҮС — Бозатаў — Қалқобод — Нукус» оралиғида SMS-600 ва DWDM қурилиш ва монтаж ишларида иштирок этдим. Камтарона меҳнатим эътироф этилганидан бахтиёрман.

Бахтиёр ХЎЖАЕВ, Фарғона вилояти Фавқуллода вазиятлар бошқармаси Қутқарув отряди қидирув-қутқарув гуруҳи қутқарувчиси:

— Мазкур тадбир меҳнаткашларнинг ўзаси касба бўлган фидойилигини рағбатлантириш орқали уларнинг профессионал даражасини ошириш, меҳнат унвондорлигини таъминлаш ва турли соҳаларда меҳнат қилаётган моҳир касб эгаларига ёш мутахассисларни бириктириб, касбий маҳоратини оширишга эришиш мақсадида ташкил этилган. Касбимиз тақозосига қўра турли шароитларда ишлашга тўғри келади. Фавқуллода вазиятларда юртдошларимиз мушқулини осон қилишга ўз ҳиссамни қўшаётганимдан хурсандман. Ушбу ютуқ мени янада юқори марралар сари ундайди.

Саломат РЎЗМЕТОВА, Хоразм вилояти Богот туманидаги «Kottontex» маъсуляти чекланган жамияти ип йиғирув дастгоҳи оператори:

— Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари йўналишида ғолиб деб топилганимдан жуда бахтиёрман. Ҳозирда 15 нафар шогирдимга сифатли ип-қалава тайёрлаш сирларини ўргатаёлман. Келгусида шогирдларим сонини ошириб, иш ўзинини янада кўпайтириш ниятидамиз.

— Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари йўналишида ғолиб деб топилганимдан жуда бахтиёрман. Ҳозирда 15 нафар шогирдимга сифатли ип-қалава тайёрлаш сирларини ўргатаёлман. Келгусида шогирдларим сонини ошириб, иш ўзинини янада кўпайтириш ниятидамиз.

Ботирбек КАРИМОВ, «Навоийазот» АК Каустик сода ва кам микдорли кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқариш 705-марказлашган таъмирлаш цехи электоргаз пайвандловчиси:



— Цехимизда қончилик саноатида зарур маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Сўнгги йилларда цехда мавжуд технология ускуналар ва уларга хизмат кўрсатиш майдончалари мукамал таъмирланди. Бу эса цехда меҳнат ҳавфсизлигини таъминлаш, табиий ресурсларни тежашга хизмат қилмоқда. 2013 — 2015 йилларда цех томонидан 62,4 минг тонна каустик сода, 11,8 минг тонна формалин ишлаб чиқарилиб, йиллик режа 117,4 фоизга удаланди. Сўнгги уч йилда қончилик саноати учун зарур бўлган 407 тонна полиакриламид гели ишлаб чиқарилиди. Ўтган йили «Қорхонадаги энг яхши электоргаз пайвандловчиси» деб топилдим. Бугунги ютуқ мени янада шижоат билан ишлашга, меҳнатдан ҳузур толиб яшашга ундайди.

Қаҳрамон ҲАСАНОВ, Самарқанд вилояти Оқдарё туман йўл ҳўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси директори:

— Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ўтказиб келинаётган «Ўз касбининг моҳир эгалари» танловининг транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси йўналиши бўйича ғолиб бўлганимдан хурсандман. Автомобил йўллари таъмирлаш, сақлаш ва қўқаламзорлаштириш ишлари Оқдарё туман йўл ҳўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси жамоасининг асосий мақсади ҳисобланади. Меҳнатим юқори баҳоланганидан бошим осмонга өтди. Бундан кейинги ҳам барча сай-ҳаракатларимиз юртимиз йўл ва қурилиш тармоғининг янада ривожланишига қаратилди.

«Ishonch» муҳбири Давронбек ОРИПОВ ёзиб олди.

MUASSIS:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi
2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir: Jahongir Sharofboyev
Tahrir hay'ati: Abdulaziz Abdullayev, To'liq Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshev

BO'LIMLAR:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e'lonlar — 256-87-73
Manzillimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chas, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

HUQUDLARDAGI MUXBIRLAR:
Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-93) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Navoiy — (+998-93) 314-13-03
Samarqand — (+998-97) 915-50-87
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55
Suxondaryo — (+998-91) 233-69-07
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir: A.Abdullayev
Navbatchi: A.Arslonov
Musahhih: S.Shodiyeva
Sahifalovchi: H.Abdullajilov
Boshqah topshirish vaqti: 00:20
Topshirildi: 00:40
1 2 4 5 6

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi hozirgi holatida chop etildi.
Korxonamizning manzili: Buyuk Turan ko'chasi, 41-uy.
Gazeta «Ishonchning kompyuter markazida teriladi va sahifalovchi»
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma T — 1215.
13560 nusxada bosiladi.
Nashr ko'rsatkichi: 133
Taqdirning xisob raqami: 2021 0000 0004 3052 7001.
ATIB «Ilova bank» Yashnoba filiali, bank kodi: 00959, STIP: 201133889, O'KONLARI: 87100